

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада аҳолининг молиявий билимлари ва молиявий саводхонлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда молиявий саводхонлик даражасининг аҳоли реал даромадлари, молиявий хавфсизлиги ва инвестицион фаоллигига таъсири ёритилган. Шунингдек, аҳолининг молиявий билимларини оширишда олий таълим муассасаларининг ўрни, уларнинг давлат органлари, молия-кредит институтлари ва маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши мумкин бўлган тизимли ёндашувлар асослаб берилган. Мақолада молиявий саводхонликни оширишга қаратилган амалий лойиҳаларни жорий этишнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Калит сўзлар: молиявий саводхонлик, аҳоли молиявий билимлари, шахсий молия, молиявий хавфсизлик, инвестиция қарорлари, олий таълим муассасалари, молия бозорлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

Замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида аҳолининг молиявий билимлари ва молиявий саводхонлиги жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Молия бозорларининг ривожланиши, кредит ва инвестиция инструментларининг хилма-хиллиги аҳолидан молиявий қарорларни онгли ва асосли қабул қилишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, молиявий саводхонликни ошириш аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, молиявий хавф-хатарларни камайитириш ҳамда турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда аҳолининг молиявий билимларининг етарли эмаслиги кредит ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, сохта инвестицион лойиҳалар ва молиявий пирамидалар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг кўпайишига

олиб келмоқда. Бу эса молиявий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка таҳдид солади. Шу сабабли аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасида кўриб чиқилиши лозим бўлган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур мақолада аҳолининг молиявий билимларини оширишда олий таълим муассасаларининг роли, уларнинг ташқи муҳит субъектлари билан ҳамкорлиги ҳамда молиявий саводхонликни оширишга қаратилган амалий механизмлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Аҳолининг молиявий билимларини ошириш ва уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш замонавий жамиятнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири саналиб, уларни янгича ёндашувлар асосида амалга ошириш зарур бўлади. Чунки бу тадбирлар қизиқ ва мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал этишнинг муҳимлиги эса жамият ҳаётининг ўзгаришида, уларнинг реал даромадларини оширишда кўриш мумкин. Бу ишларни амалга ошириш биринчидан, мамлакат молия тизимининг мустаҳкам асосларини билиш бўйича аҳолининг шахсий молия фаолиятининг етарли эмаслиги, жумладан, нафақа, ижтимоий, тиббиёт, суғурта ва бошқа молия хизматлари турлари тўғрисида паст даражада эканлиги, иккинчидан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш, кредитлаш ва инвестицияларни киритиш бўйича етарли кўникмаларга эга эмаслиги бўлса, учинчидан, аҳолининг ҳозирги кунда ривожланиб бораётган турли хавфи юқори бўлган сохта инвестиция даромадлари, молиявий пирамидаларнинг тарқалиши кўпайганлиги йўналишларида кўриш мумкин. Бу ўз навбатида аҳолининг ушбу соҳалардаги назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини оширишни талаб қилади. Акс ҳолда ҳозирги кундаги молиявий соҳалардаги билимсизлик, кредит ёки қарзга берилган молиявий ресурсларни самарли бошқара олмаслик келгусида аҳолининг молиявий хавфсизлиги ва турмуш даражасига салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам аҳолининг молиявий билимлари ва саводхонлигини ошириш масаласи ҳар томонлама долзарб бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан ушбу ишларни тизимли ташкил этиш қай тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ? Бу ишларни амалга оширишда биринчи навбатда молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги бўлса, иккинчи томондан маҳаллий ҳокимиятлар асосан уй жой коммунал хўжаликдаги муаммоларни, ижтимоий соҳа, тиббиёт ва нафақа таъминотларини бирламчи ҳал этишга асосий эътиборни қаратишади [1]. Лекин фикримизча, ижтимоий муаммолар билан бир қаторда аҳолининг иқтисодий жиҳатдан қўшимча даромадаларни топишлари бўйича амалий кўникма ва малакаларини ошириш - келгусида аҳолининг реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

Фикримизча, ушбу ишларни назарий, илмий ва амалий жиҳатдан тизимли амалга оширишда олий таълим муассасаларининг ўрни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тадқиқотда олийгоҳларнинг иқтисодий йўналишлардаги кафедраларнинг салоҳиятли профессор-ўқитувчилари билан “Олий таълим муассасаси - аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва уларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги муҳим воситаси сифатида” амалий лойиҳаси доирасида амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Олий таълим муассасаларининг умумтаълим ва касб-хунар таълими муассасалари, бизнес субъектлари, маҳаллий ҳокимият ва давлатнинг молия институтлари билан тизимли ҳамкорлиги орқали аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш концепцияси асосида ошириш мумкин бўлади. Мазкур йўналишни амалга оширишда асосий манфаатдор бўлган субъектлар сирасига қуйидагилар киради:

биринчидан, аҳоли яъни ўзининг турмуш шароитини яхшилаш нуқтаи назаридан асосий субъект сифатида;

иккинчидан, маҳаллий ҳокимиятлар, молия ва солиқ органлари, бюджетдан ташқари жамғармалар (пенсия ва бошқа фондлари);

учинчидан, молия-кредит ва инвестиция ташкилотлари (тижорат банклари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари ва бошқалар);

тўртинчидан, иш берувчиларнинг корхона ва ташкилотлари;

бешинчидан, таълим муассасалари (ўрта махсус ва олий таълим).

Юқоридаги субъектларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини қуйида келтирилган расм орқали яққолроқ кўришимиз мумкин (1-расм).

Ушбу амалий лойиҳанинг амалга оширишда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади:

биринчидан, аҳолининг мамлакат молия тизимининг асослари ва шахсий молия фаолияти тўғрисида хабардорлигини оширишга эришиш: нафақа, ижтимоий, тиббиёт, суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг аҳамияти ва солиққа тортиш билан боғлиқ муносабатларни ўргатиш;

иккинчидан, аҳолининг доимий даромад келтирувчи манбаи сифатида - молия бозорлари ва улардаги амалга ошириладиган операциялари тўғрисида маълумот бериш;

учинчидан, аҳолининг молиялаштириш, инвестицион йўналишлардаги молиявий қарорлар қабул қилишлари учун шахсий жамғармаларини бошқариш, омонат ва бошқа даромад келтирувчи манбаларнинг аҳамиятини очиб бериш;

тўртинчидан, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали ҳозирги кунда кўпайиб бораётган интернетдаги молиявий фирибгарликлар ва турли сохта инвестицион қўйилмалар, жамиятдаги молиявий пирамидалар тарқалишига қарши курашишни оммалаштириш;

бешинчидан, жамиятдаги аҳолининг молиявий саводхонлик фаолиятини оммалаштиришга эришиш ҳисобланади [3].

Олий таълим муассасаси томонидан белгиланган ишларнинг амалга ошириш механизми сифатида молиявий саводхонлик дарслари шаклидаги таълим фаолиятини ўз ичига олади. Бунда қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур бўлади:

биринчидан, ҳудудларда соҳага оид маърузаларини ўтказиш;

иккинчидан, мактаб ўқувчилари ва касб-ҳунар мактабларида соҳага оид мавзуга доир конференциялар ташкил этиш;

учинчидан, таълим жараёнида талабаларнинг амалиётга йўналтирилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш;

тўртинчидан, “Аҳолининг молиявий саводхонлиги” номли лойиҳа доирасида турли тадбирлар ўтказиш;

бешинчидан, аҳолининг муайян тоифалари учун молиявий саводхонликни ошириш бўйича маҳаллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни тизимли амалга ошириш зарур бўлади.

Юқоридаги ишларнинг тизимли амалга оширилиши, ўз навбатида, олий таълим муассасалари орқали аҳолининг молиявий билимлари ва саводхонлигини янада оширишдаги ўрнини мустаҳкамлаш билан бирга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эришишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Молиявий билимларга эга аҳоли ўз даромадларини самарали бошқариш, жамғарма ва инвестиция қарорларини онгли қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Бу эса аҳолининг молиявий хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда миллий иқтисодиётда ички инвестицион салоҳиятнинг ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот давомида аниқландики, молиявий саводхонликни ошириш фақат алоҳида тадбирлар орқали эмас, балки тизимли ва институционал ёндашув асосида амалга оширилиши зарур. Олий таълим муассасаларининг ушбу жараёнда фаол иштирок этиши аҳолининг молиявий билимларини оммалаштиришда самарали восита сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, олий таълим муассасаларида аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган амалий лойиҳаларни тизимли равишда жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, молия-кредит институтлари, маҳаллий ҳокимиятлар ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик механизмларини кучайтириш орқали молиявий билимларни оммалаштириш зарур.

Учинчидан, аҳолининг турли тоифалари учун (ёшлар, oilалар, тадбиркорлар) мослаштирилган молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Тўртинчидан, молиявий саводхонликни ошириш орқали аҳолини молиявий фибрибгарликлар ва сохта инвестиция лойиҳаларидан ҳимоя қилишга қаратилган ахборот-тарғибот ишларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Старченко Е.Н. Маркетинговое позиционирование промышленниц моногородов как инструмент антикризисной политики регионов // Вестник Кемеровского государственного университета. 2010. № 1 (41). 85-90 стр.

2. Старченко Е.Н., Вержицкий Д.Г., Копышева Т.В. Повышение финансовой грамотности населения как фактор решения социальных проблем.// “Фундаментальные исследования» журнал, № 6, 2015, 401-405 стр.

3. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

4. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>

5. Shavkat Oltaev. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

6. Shavkat Oltaev. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>